

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ) ҳамкорлигида Ўзбекистон банк сектори вакиллари учун “Гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш ва молия соҳасида гендер хилма-хилликни тарғиб қилиш” мавзусида семинар ташкил этилди. Семинарда аёллар учун Глобал Молия Альянси (FAW) вакили томонидан 135 дан ортик мамлакатда

МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА МОЛИЯ СОҲАСИДА ГЕНДЕР ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ

молия институтлари томонидан тадбиркор аёлларга сифатли хизмат кўрсатиш учун зарур воситалар жумладан, капитал, ахборот, таълим ва бозорларга кириш имкониятини берадиган инновацион, кенг қамровли дастурларни яратиш бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида

маълумот берилди.

Garanti банки, Туркия иқтисодий банки ва бошқа қатор компанияларнинг тажрибаси семинар иштирокчиларида кизиқиш уйғотди. Унга кўра, аёллар сегментининг бизнесдаги иштироки миқдорлар сонининг юқори суръатда ошиши ва ишла-

тилмаётган кредитлар коэффициентининг паст бўлиши каби имкониятларни тақдим қилиши мумкин. Семинар давомида NatWest молиявий гуруҳи томонидан амалга оширилаётган “Буюк Британия аёлларига инвестиция қилиш Кодекси” ва Буюк Британия Ҳазначилигининг “Молия соҳасидаги хотин-қизлар” хартиясини татбиқ қилиш бўйича турли мамлакатлар ташаббуслари ҳам намоиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 26 июнь куни ўтказилган 16-ялпи мажлисида “Банк сири тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиришлар тасдиқланди.

ҚОНУНГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР

Ушбу ўзгартиришлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик базасини халқаро меъёрларга мослаштириш мақсадида амалга оширилмоқда. Унга асосан прокуратура ва тезкор кидирув органлари миқдорларнинг ҳисобварақлари мавжуд ёки мавжуд эмас-



лиги тўғрисидаги маълумотни Марказий банкнинг ахборотлар базасидан автоматик равишда олишлари мумкин. Бундан ташқари, банк сирини ташкил этувчи

маълумотлар фақат прокурор санкцияси бўлган тақдирдагина тезкор кидирув фаолиятини амалга оширувчи ҳамда тергов ва суриштирув органларига уларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича орган раҳбари томонидан тасдиқланган қарор асосида тақдим этилади.

Мазкур меъёр жиноят содир этилишининг олдини олиш ва аниқлаш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутди. Ушбу тартиб дунёнинг кўпгина мамлакатларида мавжуд бўлиб, фақат жиноятчи ёки жиноятда гуноҳ қилинаётган шахсларга нисбатан қўлланилади.



Бугунги кунда банк тизимида жами 40 мингдан ортик раҳбар ва мутахассис фаолият юритаётган бўлса, шундан 31 фойизини хотин-қизлар ташкил этади.

БАНК ТИЗИМИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликка эришиш стратегияси” ижросини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди. Марказий банк фаолиятида гендер инклюзивлигини оширишга қатъи ҳисса қўлади. Хусусан, шу йилнинг март

ойида гендер тенглиги бўйича Ҳаракатлар режаси ишга туширилди. Бунда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда 2021-2023 йилларга мўлжалланган молия тизими ва тадбиркорликда гендер инклюзивлигини ошириш масалалари бўйича Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилмоқда.

“Банк тизимида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгаши фаолияти са-

марадорлигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда банк тизимида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш, ўз бизнесини бошлаётган аёллар учун қисқа муддатли бизнес ва молиявий таҳлил дастурларини амалга ошириш бўйича тадбирлар ўтказиб келинаётгани қайд этилди. Тадбир якунида банк тизимида гендер тенглик масалаларини таъминлашда ҳамкорликдаги чора-тадбирларни фаол олиб боришга келишиб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ВАКИЛЛАРИ

Молиявий оммабоплик альянси томонидан ўтказилган экспертлар учрашувида иштирок этди.

Жорий йилда Молиявий оммабоплик альянси сиёсати бўйича экспертлар гуруҳининг еттинчи учрашуви ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вакиллари ҳам қатнашди. Тадбир давомида Шарқий Европа ва Марказий Осиёга аъзо давлатлар томонидан молиявий оммабоплик соҳасида эришилган ютуқлар, жорий ташаббуслар ва амалга оширилаётган ишларнинг истикболларига бағишланган тақдиротлар намоиш этилди. Марказий банк вакиллари шахсий маълумотларни рақамлаштириш ва банк омонатчиларининг Миллий ахборот базаси имкониятларини кенгайтириш бўйича амалга оширилган ишлари натижалари юзасидан маълумотлар тақдим этилди.

Анжуманда рақамли воситалардан фойдаланишнинг жорий глобал тенденциялари ва янгиликлари, ишончли мустаҳкамлаш ва давлат-хусусий шерикчилиги орқали молиявий оммабоплик учун рақамли воситалардан самарали фойдаланишни тарғиб этишда молия секторини тартибга солиш ташкилотларнинг роли муҳокама қилинди. Асосий эътибор қишлоқ ва чекка ҳудудларни молиявий хизматлар билан самарали камраб олиш ҳамда МОАга аъзо давлатларда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга оид масалаларга қаратилди. Шунингдек, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг тартибга солиш (RegTech) ва назорат технологиялари (SupTesh) соҳасидаги тажрибалари ўрганилди. Маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, тартибга солиш ташкилотларда юзага келадиган асосий рисклар, хатарлардан ҳоли бўлиш ва рақамли ечимларни муваффақиятли жорий этиш бўйича экспертлар ўз маслаҳатларини бердилар.

2021 йил, июль

УШБУ СОНДА:



ТАЙИНЛОВЛАР



«ЭНГ САМАРАЛИ ФИЛИАЛ» НОМИНАЦИЯСИ ҲОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИНГ ҲОЛИБЛАРИ ПАСАЙТИРИЛДИ



ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ НИЗОМ



ЙИРИК МИҲОЗЛАР СОНИ ОРТМОҚДА



НАВОИЙ-БАНК ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШДА НАМУНА



БАНК ТИЗИМИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ

БАНК-МОЛИЯ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАР, ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки раҳбарияти жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳининг (ЕАГ) ижрочи котиби Сергей Тетеруков билан учрашди.

ЕАГ ИЖРОЧИ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Учрашув Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Томонлар тез орада бўлиб ўтиши режалашти-

рилган юқорида номи келтирилган миллий тизимнинг самардорлигини ҳамда техник мувофиқлигини ўзаро баҳолашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Кейинги пайтларда Ўзбекистонда халқаро стандартларни самарали жорий этишга қаратилган қатор долзарб қонун лойиҳалари



ишлаб чиқилгани, шу билан бирга банк ва нобанк соҳаларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хавфини минималлаштириш бўйича чоралар кўриладигани таъкидланди.

Учрашув давомида томонлар янада самарали ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

КИБЕР ҲУЖУМЛАРГА

ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида “Kaspersky лабораторияси” билан ҳамкорликда “Молия ташкилотлари раҳбарлари учун ахборот хавфсизлиги” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



Тадбирда ахборот ва кибер хавфсизлигининг долзарблиги ортиб бораётгани қайд этилиб, бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва камчиликлар юзасидан фикрлар алмашилди.

Шунингдек, барча тижорат банклари раҳбарларининг ушбу йўналишдаги билим ва малакаларини ошириш мақсадида турли интерактив машғулотлар ташкил қилинди. Иштирокчилар компьютер симуляцияси элементлари билан бизнес ўйинлари форматида амалий синовлардан ўтдилар. Улардан бизнесни ҳимоя қилиш учун операцион чекловларни ҳисобга олган ҳолда стратегик, бошқарув ва техник қарорларни қабул қилиш ва даромадларни юқори даражада сақлаш талаб этилди. Семинардан олинган билимлар ходимларнинг, айниқса, раҳбарларнинг кибер хавфсизлигини таъминлаш учун ўз вақтида зарурий қарорларни қабул қилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ҳамда Халқаро Молия Корпорацияси билан ҳамкорликда тижорат банкларининг ходимлари учун молиявий саводхонлик бўйича “Training of trainers” ва “Training of consultants” мастер – тренерлар тайёрлаш юзасидан 3 кунлик ўқиш ташкил қилинди.



САВОДХОНЛИККА ЭЪТИБОР ВА КОНСУЛЬТАНТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Мазкур тадбир аҳоли ва миқдорлар учун молиявий саводхонлик бўйича консалтация бериш соҳасида тижорат банкларининг чакана бизнес фронт офис ходимларининг салоҳиятини оширишга қаратилган лойиҳа доирасида амалга оширилди.

Иштирокчилар ноанъанавий интер-фаол форматдаги назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлдилар. Банк ходимлари ҳақиқий миқдорлар билан

“жонли” консалтациялар ўтказиш жараёнида ўз билимларини мустаҳкамлаб, ХМК экспертнинг фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини тингладилар ва ўз банкида зарур бўлган тренер ва консультантларни тайёрлаш имконини берадиган сертификат тақдим этилди. Лойиҳа вазибаларидан келиб чиқиб, аҳоли ва банк миқдорлари учун молиявий саводхонлик бўйича консалтацияларни ўтказиш орқали янада кенгайтирилади.

ТАЙИНЛОВЛАР

“Hamkorbank” АТБ акциядорларининг 2021 йил 25 июнда ўтказилган навбатдаги йиғилиш қарорига асосан банк Бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчиси **Жураев Бахтиёржон Туймуратович** 2021 йил 14 июль кунидан “Hamkorbank” АТБ Бошқаруви раиси этиб тайинланди.



Банк бошқаруви раисининг 2021 йил 5 июль кунги 539/к-сонли буйруғига асосан, **Гафуров Азизжон Асатжонович** 2021 йил 5 июль кунидан Информацион технологиялар департаменти директори этиб тайинланди.



Банк бошқаруви раисининг 2021 йил 9 июль кунги 549/к - сонли буйруғига асосан, “Hamkorbank” АТБ Ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори **Хан Александр Вячеславович** 2021 йил 9 июль кунидан “Hamkorbank” АТБ Хазина департаменти директори этиб тайинланди.



Банк бошқаруви раисининг 2021 йил 5 июль кунги 539/к-сонли буйруғига асосан, **Валиев Азизбек Муталибжонович** 2021 йил 5 июль кунидан Информацион технологиялар ва тизимларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи – Департамент директори ўринбосари этиб тайинланди.

Банк бошқаруви раисининг 2021 йил 9 июль кунги 549/к-сонли буйруғига асосан, “Hamkorbank” АТБ Хазина департаменти директори **Мамасалиев Шерзодбек Орифжонович** 2021 йил 9 июль кунидан “Hamkorbank” АТБ Хазина департаменти директори ўринбосари этиб тайинланди.



Банк бошқаруви раисининг 2021 йил 8 июль кунги 547/к-сонли буйруғига асосан, **Эргашев Улугбек Ахмадиллаевич** 2021 йил 5 июль кунидан Чакана кредитлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.



“НАМКОРБАНК” АТБ 2021 ЙИЛ II ЧОРАК ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА «ЭНГ САМАРАЛИ ФИЛИАЛ» НОМИНАЦИЯСИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Банк бошқарувининг 2021 йил II чорак якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш Андижон шаҳрида жойлашган Банкнинг Бош офисида 2021 йилнинг 10 июль куни видеоконференц алоқа тизими орқали бўлиб ўтди. Банк бошқаруви томонидан жорий йилнинг апрель, май ва июль ойларида самарали фаолият юритиб келаётган

«Энг самарали филиал» номинациясида ғолибликка муносиб қўрилган қуйидаги 5 та филиал эълон қилинди:

- I гуруҳдаги филиаллар:
1-ўрин: Яккасарой филиали
- II гуруҳдаги филиаллар:
1-ўрин: Навоий филиали

III гуруҳдаги филиаллар:
1-ўрин: Термиз филиали
IV гуруҳдаги филиаллар
1-ўрин: Фарғона минтақавий филиали

V гуруҳдаги филиаллар:
1-ўрин: Ургут филиали

РЕЙТИНГ ТИЗИМИ

Молиявий кўрсаткичлар тизими - улуш 30% (4 та кўрсаткич);
Корпоратив бизнес кўрсаткичлари тизими - улуш 40% (6 та кўрсаткич);
Чакана бизнес кўрсаткичлари тизими - улуш 20% (3 та кўрсаткич)
Сифат стандартлари кўрсаткичлари тизими - улуш 10% (1 та кўрсаткич).

Жорий қилинган янги маҳсулот турлари

“НАМКОРБАНК” ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИНГ ФОИЗЛАРИ ПАСАЙТИРИЛДИ

“Hamkorbank”нинг янги кредитлаш шартлари билан шахсий уй-жойга эга бўлиш янада қулай!

Янги қурилган ёки иккиламчи бозордаги уй-жойларни харид қилиш учун:

Фоиз ставкаси: 17.5%.

Муддати: 20 йил. Суммаси 400 млн. сўмгача.

Таъмирлаш ишлари учун:

Фоиз ставкаси: 16.5%.

Муддати: 10 йил. Суммаси: 80 млн. сўмгача.

Бошланғич тўлов: мавжуд эмас.

Маълумот учун 0 800 1 200 200 ёки 1256 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг.

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ НИЗОМ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан янги тахрирдаги “Банкларда аудиторлик текширувлари ўтказилишига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низоми ишлаб чиқилиб WWW.regulation.gov.uz порталига муҳокама учун жойлаштирилди. Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг “Банкларнинг ташқи аудитига оид стандартлар” ва Халқаро бухгалтерлар федерациясининг “Аудитнинг халқаро стандартлари” ва “Сифат назоратининг халқаро стандартлари” ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди.

Лойиҳада аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотига талаблар ҳамда аудиторлар мустақиллиги ва ҳолислигини таъминлашга қаратилган нормалар акс эттирилган. Текширув ўтказишда асосий эътибор уларнинг молиявий барқарорлигини тизимли баҳолашга қаратилиб, бу банкнинг таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат тизимларини ҳамда банк риск-профили ҳолатини мустақил баҳолашга қаратилади ҳамда банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳукуқи учун аудиторнинг малака сертификатини бериш, амал қилишини узайтириш ва тугатиш тартибини белгилайди.

“Hamkorbank” АТБ Навоий филиали ҳамда 5 та банк хизматлари офиси айни кунда 2 минг 141 та, яъни 110 та юридик ва мингдан ортиқ якка тартибда тадбиркорлик билан шугullanувчи мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Уларга қулайликлар яратиш мақсадида интернет, СМС ва мобайл банкинг хизматлари мавжуд. Бу масофадан туриб ўз ҳисоб рақамлари ҳолатини билиш ва маблағларни кўчириш имконини беради.

Банк фаолияти учун зарур бўлган ресурс базасини шакллантириш мақсадида филиал томонидан ташкилотлар ва аҳолини бўш пул маблағларини омонат ва депозитларга жалб қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Истеъмол ва ипотека кредитлари, аҳоли омонатлари, халқаро ва миллий валютада пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш, халқаро пул ўтказмалари, мобайл банкинг хизмати, коммунал тўловлар, депозит ячейкалари ва бошқа хизматлар

Бугун банк хизматлари кўрсатишда мижозларнинг талаби ортиб бормоқда. Тезкорлик, сифат ва шаффофлик соҳа ходимлари фаолиятининг асосини ташкил этяпти. Мижоз ўз ишини тезроқ битиришда бунга алоҳида эътибор қаратади. Бу бизнинг банк хизматлари офисимизда ҳам ўз ифодасини топган.



ЙИРИК МИЖОЗЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Авваллари имкониятларимиз маълум маънода чегараланган эди. Шу йилнинг апрель ойида банк хизматлари офисига айланиши ҳисобига ортиқча овозгарчиликларнинг олди олинди. Айтайлик, сиз автомобиль ёки уй-жой сотиб олишда молиявий муаммога дуч келдингиз, албатта, ишончли банк муассасасидан кредит олмоқчисиз. Бунинг учун энди филиалга боришга ҳожат йўқ. Шу жойнинг ўзида сизнинг талабингиз қондирилади. Бу мижозларимиз сонининг ортишига олиб келяпти.

Биринчи ярим йилликда эришган ютуқларимиздан яна бири йи-

рик мижозлар сонининг ортгани. Айни вақтда “Дилшод сервис люкс” хусусий корхонаси, “Nan Yang Red cotton Angel textile” қўшма корхонаси ва “Villa Elegant”, “Bo’ston premium” масъулияти чекланган жамиятлари доимий ҳамкоримизга айланган. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш баробарида янги лойиҳалар сари бошлаяпмиз. Бу мижозларни бизга бўлган ишончини оширмоқда.

Ҳамидулло НОРМАТОВ,
Нодирабегим филиалининг “Бизнес марказ” банк хизматлари офиси бошлиғи.

VISA ва UNION PAY карталаридан кенг фойдаланилмоқда. Хитой давлатининг UNION PAY карталари 2015 йилдан жорий қилинган бўлиб, дунёнинг 150 давлатида чекловларсиз қабул қилинмоқда. Улар арзон ва аҳолига қулай ҳисобланади. 2021 йил да-

қилинган. Ҳозирда инфокиосклар сони 26 тага етди. Узлуксиз 24 соат ишлаш натижасида айнан коммунал ва кредит тўловлар ҳажми йил давомида 5 903 77 млн. сўмни ташкил қилди. 2020 йил биринчи ярим йиллигига нисбатан 1219,04 млн. сўмга ёки 126 фоизга нисбатан кўп дегани.

Янги банк хизмат турларидан бири-депозит ячейкалар ижарасидир. Филиалга сўнгги русумдаги, замонавий 120 та камерага эга депозит ячейка комплекси ўрнатилган бўлиб, ушбу комплекс алоҳида хонага жиҳозланган ва замонавий хавфсизлик ускуналари билан таъминланган. Бу хизмат туридан барча бирдай фойдаланиши мумкин.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Навоий филиали Бек офис етакчи мутахассиси.

НАВОИЙ — БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШДА НАМУНА

кўрсатишда намуна.

Жорий йил биринчи ярим йилликда истеъмол ва микроқарз кредити учун 3 минг 154 нафар фуқарога 63 480,0 минг сўм ажратилган. Ўтган йил 1 июль ҳолатига 4 минг 161 дона пластик карточка эмиссия қилинган бўлса, жорий йил бу давр ҳолатига 5 минг 707 дона ташкил қилди ва шунча пластик карточка эмиссия қилинди.

вомида ушбу карталардан 81 тасини эмиссия қилишга эришилди.

Коммунал тўловлар учун банк инфокиоскларидан кенг фойдаланиляпти. Ушбу хизматлар орқали барча турдаги тўловлар жумладан, электр энергияси, газ, сув, уяли ҳамда шаҳар телефонлари, интернет провайдер, кабель ТВ, истеъмол кредити ва бошқа тўловлар хизмати жорий